



«Қалдирғоч» — қадриятлар давомчиси **3**

Ўзбекистон — олтин бешигим менинг



**4**

Дорихоналар кўп-у, лекин...



**5**



**8**

... Қўл ҳам, йўл ҳам берманг!

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



### ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хаёт завкли. Атрофдагиларга ёрдам бериш, қувонч улаиши, жамиятга фойдали ишлар қилиш учун аввало инсоннинг ўзи соғлом бўлиши керак. Афсуски, бугунги кунда бутун дунёни ташвишга солаётган хасталиклар кўп. Айниқса, аёллар орасида тез-тез учраётган кўкрак бези саратони ер қуррасидаги мамлакатларнинг оғриқли муаммосига айланган.



Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти яқинда ҳар йили ер юзида кўкрак бези саратони билан оғриган 1 миллион 380 минг нафар аёл аниқланаётгани, шулардан 600 нафари оламдан ўтаётганини маълум қилди. Саратонни ўрганиш Халқаро агентлиги (International Agency for Research on Cancer)нинг хабарига кўра, 2008 йилда дунё бўйича 12 миллион киши шу хасталик билан оғриган, шундан 7 миллион бемор вафот этган. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2005-2015 йил оралиғида 84 миллион одам саратон хасталиғи туфайли ҳаётдан кўз юмиши мумкинлигидан ташвишланмоқда. Бу хасталик билан курашиш бўлган кунда дунё мамлакатларининг энг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

**8**

## ЖАННАТМОНАНД ЮРТИМ БОР МЕНИНГ...

Яқинда Наманган вилоятининг сўлим гўшаларидан бири — Чуст истироҳат боғида турли миллат ва элат вакиллари иштирокида мустақиллигимизнинг 21 йиллиги ҳамда «Мустаҳкам оила йили»га бағишланиб, «Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила» шиори остида дўстлик фестивали бўлиб ўтди.

Байрам иштирокчилари дастлаб миллий-маданий марказлар томонидан ташкил этилган қардош миллатларнинг удум ва анъаналари, таомлари, миллий либослари акс этган кўرғазмаларни томоша қилишди. Меҳмонлар ўзбекча паловдан тортиб, қирғизча бешбармоқ, корейсча куксу, украинча намангдан татиб кўришди.

— Биз Наманган туманидан келдик, — дейди МФЙларидаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар сардори Матлубахон Сотиволдиева. — Худудимиздаги Тошбулок, Бешкапа, Тепакўрғон каби ўнлаб маҳаллаларда қирғиз, рус, чечен, татар ва украин миллати фарзандлари бағрикенг халқ бўлган ўзбеклар билан бақамти аҳил-иноқликда истиқомат қилиб келишмоқда. Бу анжуман, шубҳасиз, юртимизда, хусусан, вилоятимизда яшаётган турли миллат вакиллари-нинг ўзаро аҳиллиги, дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**2**



### «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси — доимий ҳамкоримиз!

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КҮМИТАСИ ФАОЛИЯТИДАН

## БОШҚАРУВ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

7 июль куни пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг жорий йилнинг олти ойлик яқунлиги бағишланган навбатдаги бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барча жабҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларда маънавий муҳитни шакллантириш, ижтимоий ҳимояга мутож қатлам вакиллари билан ишлаш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳофаза қилинди.

Шунингдек, хотин-қизларни иш билан таъминлаш,

янги иш ўринлари яратиш ва уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Андижон, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган нуқсонлар танқидий таҳлил этилди.

Бошқарув йиғилиши кун тартибига киритилган бошқа масалалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира БОСИТХОНОВА қатнашди.

Гулжамол АСҚАРОВА,  
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси  
ахборот хизмати раҳбари.



ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

ҲАМКОРЛИК  
ДОИРАСИДА

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси кўп йиллардан бери Жанубий Корея республикасининг қатор халқаро ташкилотлари ва университетлари билан ҳамкорликда кенг кўламда фаолият олиб бормоқда. Яқинда республика соғлиқни сақлаш вазирлиги, Кореянинг Ин Ха университет, Тошкент тиббиёт академияси ва мазкур жамғарма ўртасида ўзаро ҳамда врачлар малакасини ошириш тўғрисидаги битим имзоланди.

Хайри ҳамкорлик доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йил 15 июнда тасдиқланган ташриф дастури асосида 6 июль куни Жанубий Корея республикасининг Ин Ха университети ҳузуридаги госпиталнинг 17 нафар малакали шифокорлари республикаимизнинг бир неча ҳудудда бемор болаларни умумий чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишни бошлади. Ушбу соғломлаштириш ҳафталиги 13 июлга қадар давом этади.

“ОИЛАВИЙ  
ТАДБИРКОРЛИКДАН —  
МУСТАҲҚАМ ОИЛАГА”

“Пойтахт” бизнес марказида тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси “Аёллар қаноти”, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари ҳамкорлигида “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида “Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага” номли лойиҳанинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Унда O'zLiDeP “Аёллар қаноти” томонидан жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган партиявий лойиҳалар доирасида, айниқса маҳалларда яшовчи аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш билан боғлиқ амалий ҳаракатларни янада кучайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш ва шу орқали маҳаллаларни тадбиркорлик марказига айлантириш юзасидан хотин-қизларнинг тутган ўрни ҳақида маърузалар тингланди.

— Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш йўлида ўтган йилда 335 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 365 млрд. сўмдан ортиши кутилмоқда, — дейди O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Мухлиса Акромова. — Биргина шу йилнинг ўтган ярими йиллигида тадбиркор аёлларга ажратилган кредитлар ҳажми 234,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробарга ўсиши таъминланди.

Айнан “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга банклар томонидан 60 млрд. сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилиши кўзда тутилиб, ўтган даврда 35,4 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилганлиги айна вақтда мамлакатимиз минтақаларида минглаб оилаларнинг фаровонлиги орттириши таъминлашга хизмат қилмоқда.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,  
“Оила ва жамият” муҳбири.

ЖАННАТМОНАНД  
ЮРТИМ БОР МЕНИНГ...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган 1992 йилда пойтахтимизда Байналмиал маданият маркази ўз фаолиятини бошлаган эди. Бугунги кунда вилоятимиз ва туманларда ҳам миллий маданий марказлар иш олиб борапти. Бу давлатимиз раҳбарининг юртимизда истиқомат қилаётган барча халқлар вакиллари ўртасида дўстлик ва қардошлиқ туйғуларини мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакат маданий, ижтимоий, иқтисодий ва жамиятнинг фаол иштирокчиси бўлишлари учун барча шароитлар яратишга қаратилган эътибори ва ғамхўрлигининг нишониси бўлди, десак муболага бўлмайди.

Ўзбекистонда яшаётган кўп сонли миллат вакилларининг бошини қовуштирган миллий маданият марказларини ўзига хос дўстлик уйи, деб атасак бўлади. Уларнинг асосий вазифаси миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, диёримизда яшаётган турли миллат ва элатларнинг миллий-анъанавий эҳтиёжларини қондириш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишга кўмаклашиш, бағрикенглик тамойилларига

асосланган ҳолда жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

— Миллатим — рус, 1983 йилда Чортоқ туманига келин бўлиб тушганман, — дейди узоқ йиллардан буён тумандаги 40-мактабда ёшларга сабоқ бериб келаётган муаллима Раиса Мадраҳимова. — Турмуш ўртоғим — ўзбек,



тотув турмушимиз давомида уч фарзандни камолга етказдик. Турмушга узатган қизларим Юлия ва Маликалар кувёларим Илҳомжон ва Акмалжонлар билан бахтли ҳаёт кеचиряпти, икки нафар набиримиз оилами кувоначи. Ўғлимиз Бобуржон эса ҳали талаба.

## Фестиваль

Хуллас, мен бахтиёр ва мустаҳкам оиланинг бекасиман. Мана шундай осуда заминда, меҳмондўст, оқибатли халқ бағрида яшаётганимга беадад шукроналар айтаман.

Боғнинг ёзги амфитеатрида бўлиб ўтган фестивалнинг бадий қисмида Янгиқўрғон туманидаги қирғиз, Наманган шаҳридаги корейс, Тўрақўрғон ва Чортоқ туманларидаги рус, Мингбулоқ туманидаги татар, Учқўрғон туманидаги украин, Чуст туманидаги тожик миллий-маданий марказлари вакиллари ўз она тилларида кўшиқлар ва рақслар ижро этиб, томошабинларга завқ улаштирди. Истиқлол, тинчлик, бағрикенглик, дўстлик мавзулари тараннум этилган куй-кўшиқлар қалбларда мустақил Ватандан миннатдорлик ва фахр туйғуларини уйғотди.

Фестиваль сўнгиде ҳар бир миллий-маданий марказлар алоҳида номинациялар бўйича тақдирланди. Диплом, Фахрий ёрлик ва эсдалик совғаларини вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзураҳон Азизова топширди ва мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан ўтказилган мазкур фестиваль дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ёрқин тантанаси сифатида қалбларда ўчмас из қолдиришини алоҳида таъкидлади.

ШахлоТОШБЕКОВА,  
“Оила ва жамият” муҳбири.  
Наманган вилояти.  
Суратларни  
Нозимжон ҲАБИБУЛЛАЕВ олган.

## Огоҳлик

## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ЁНҒИН!

Содир бўлаётган ёнғинлар таҳлилнинг кўрсатишича, уларнинг аксарияти аҳоли турар жойларида юзага келади. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари мунтазам равишда хонадонларда бўлиб, ёнғинларни келтириб чиқарувчи ҳолатларни аниқлашмоқда. Шунингдек, мавжуд нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, энг муҳими, мана шундай камчиликлар қандай селбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлиги ҳусусида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини оlib боришмоқда.

Шу нуқтаи назардан Юнусобод тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими яна бир бор куйидаги қоидаларга амал қилишини сўрайди.

- Уйларнинг том бўғотида хашакларни сақлаш ман этилсин;
- уйларнинг мўрилари ёнида ёнғинчи буюмлар сақлаш мумкин эмас;
- кўп қаватли уйлар ва фуқароларнинг шахсий яшаш уйларида газ тармоғидан резинали шланг орқали фойдаланиши ман этиш;
- кўп қаватли уйлар ва фуқароларга газ плитасини балконга олиб чиқишни таъқиқлаш;
- кўп қаватли уйлар ва фуқароларга шахсий хонадонларда газ плиталарини ёқиқ ҳолда қаровсиз қолдирманг;
- кўп қаватли уйлар ва шахсий хонадонлар кўчаларидаги ўтиш йўлларини бетон ва темир қозىқлар билан тўсиб қўймастик;
- ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашига йўл қўйманг.
- ҳурматли фуқаролар, Сиз юқорида кўрсатилган қоидаларга амал қилиш билан нафақат ўзингизнинг мол-мулкнигини ёнғиндан, қулфатдан, балки атрофингиздаги яқинларингиз, қўни-қўшниларингизнинг ҳаётини ва мол-мулкни асраб қолган бўласиз.

Юнусобод тумани ИИБ  
Ёнғин хавфсизлиги бўлими.

## Семинар

ОМОНАТНИ  
БАНКДА САҚЛАНГ

Опла бюджетни қандай тақсимлаш керак? Маошга қараб пулни тежаш ва уни ўз эҳтиёжлар доирасида сарфлашда нималарга эътибор қаратиш лозим?

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ва Марказий банкнинг Германиянинг жамғарма кассалари фонди ҳамкорлигидаги лойиҳаси доирасида Самарқандда ўтказилган семинарда шу каби масалалар муҳофаза этилди.

Аҳоли омонатларини сақлаш ва қафолатлаш, оила бюджетни китобчаси юриштишининг афзалликлари мавзусида ўтган семинарда маҳалла маслаҳатчилари, тадбиркорлар иштирок этди.

— Тадбирдан кўзланган яна бир мақсад, аҳоли омонатларини банкларга жалб қилиш, уларнинг банк омонатлари юзасидан тушунчаларини кенгайтиришдан иборат, — дейди лойиҳа ассистенти Баҳром Акбаров. — Омонатларни уйда сақлашнинг камчиликлари ҳамда банкда сақлашнинг афзаллиги, қулайлиги, шунингдек, бундай ҳолат аҳоли учун ҳам, иқтисодий ўсун ҳам муҳим аҳамиятга эгаллиги тадбир давомида оддий мисоллар орқали тушунтирилди.

Тадбир давомида, оила бюджетни тақсимлаш ҳусусида фикрлар билдирилиши билан бир қаторда «Менинг оилавий бюджет китобчам» номли рисола ҳам тарқатилди.

Қолаверса, лойиҳа доирасида барча вилоятлардаги каби Самарқандда ҳам «Аёллар маслаҳат маркази» очилди. Ушбу марказга аёллар кредитлаш, микросугуртлаш, жамғариш йўналишлари бўйича бепул маслаҳат олиш имконига эгадир.

— Бир ойга қанча коммунал тўлов тўлаймиз, нонга қанча маблағ сарфлаймиз, бун тўғриси, кўпчилик аниқ ҳисоб-китоб қилмайди, — дейди Самарқанд шаҳридаги Намозгоҳ маҳалласи маслаҳатчиси Хурсанд Гафурова. — Оилада аёллар шу каби масалаларда ҳисоб-китобли бўлиши лозим, назаримда. Шунда оила бюджетни самарали ишлатилади.

Г.КОМИЛОВА,  
Самарқанд вилояти

...Ажиб хайбатли бир тоғ манзараси. Ундан оқиб ўтаётган кўм-кўк булоқ сувини ичмасдан ўтолмайсан. Тоғ этаги ям-яшиллик билан бурканган. Ундаги ҳар бир тош бир тарихга эга. Ҳар бир гиёҳ кимгадир даво. Шу атрофдаги қишлоқларда эса одамлар чорва боқади. Уларнинг ўзига хос, иқлими-ю, ҳавоси, тоғига монанд аъёнлари бор. Бу ердаги ёрлар ҳам, Сангиминор ҳам, барча учун азиз Қўшчиноҳ ҳам тарих қатларининг сеҳрли варақлари...

2007, 2009 йилларда «Барҳаёт аъёнлари» фольклор фестивал-танловиди гран-при соҳиби бўлган, бу йил эса шу номдаги танловнинг виллоят босқичида олий ўринга мушарраф бўлган Паст Даргом тиббиёт коллежининг «Қалдирғоч» фольклор дастаси фао-

ўлланади. Фақат шу ҳудудда учрайдиган бир тош бор. У кўш иссиқлигини шундай сақлайдики, натижада шу тафт билан нон пиширган момолар. Нон-тош деб атайдилар бунни.

Турмушга чиқаётган қизга кайвони момолар энди буюм оила масъулиятини бўйнига олди, эғали бўлди, деган маънода «желаккиди» маросимини, фарзандли бўлган аёлга ўғлининг суннат тўйида у қишлоққа мард бир йигитни тарбиялаб беради, деган ниятда «култапўшак» маросимини ўтказишган.

Энди қадам ташлай бошлаган боланинг оёғига кўчқор жунидан тайёрланган ип ўралган. Ипни ёши улуг инсонлар ечиб олади, момолар кулча юмалайтишади — той-той маросими ўтказилади...



## Ўзлик

зоғонда саз экан» номли бадий чиқишимизни намойиш этдик. Ансамбль режиссёри Наби Тўхтаев билан ҳамкорликда шу ҳудудга тегишли маросимлар, ривоятларни тўпладик. Шу ҳудудда СамДУ олимлари томонидан археологик қазилма ишлари олиб борилган экан. Улардан ҳам аниқ маълумотларни олдик. Сўнг жамоамиз билан биргаликда сценарий ишлаб чиқдик. Жамоанинг мусиқа раҳбари Шерзод Жумаев шеърларни мусиқага солган бўлса, она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари Насиба Абдуллаева, Лола Эргашевалар шеър ривоятларни қайта ишлаб чиқишда яқиндан кўмак беришди.

...Кадиди шундай тайёрлаш керак, унинг хусусиятлари нималардан иборат? Савоқ чўпни? Кели, рапида, нон саватлардан хозир ҳам аёлларимиз фойдаланадими? Коллеж ўқувчилари, хусусан, «Қалдирғоч»нинг йигирма нафар иштирокчилари булар ҳақида жуда яхшигина маълумотга эга бўлибгина қолмай, аксарияти улардан фойдаланишни ҳам ўзлаштиришган.

— Бу йилги дастурда алла айтдим, — дейди коллежининг биринчи босқич ўқувчиси Қизларгул Ҳушвақтова. — Устозларим кўмагида унинг сазогонликларга хос тарзда айтилиши кўпчилиқда яхши таассурот қолдирди.

2007 йилда Парижда ЮНЕСКО шафёлигида ўтказилган Самарқанд кунларида иштирок этиб қайтган «Қалдирғоч»чиларнинг ниятлари қатта. Ҳар бир аъёнамизни ёрқинроқ тарзда кўрсатиш, соф миллий руҳдаги удумларнинг ўзига хослигини намойиш қилиш, халқона оҳанглардаги лапар, ривоятларни тўплаш, қўйинки, асрлардан ўтиб келаётган қадриятларни ёш авлодга кўрсатиш улар учун асосий мақсадга айланиб улгурган.

Гулрух МҲМИНОВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.  
Самарқанд вилояти.

## 2012 — МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ КЕНГАШЛИ ТҲЙ ТАРҚАМАС

Оилани бежиз муқаддас кўрғонга қиёслашмайди. Ота-она бир умр ҳар қандай шароитда ҳам ўз фарзандларининг бахти, камолни бус-бутун кўрмоқни орзу қилади. Албатта, бундай толе, иқбол ўз-ўзидан келмайди ҳам. Бунинг учун темирдан-да мустаҳкамроқ сабр-қаноат, бардош, ирода керак бўлади.

Дарҳақиқат, Бёкобод туманида ҳам ҳамма ҳавас қилгулик ибратли оилалар сони йилдан йилга кўпайиб бораётгани қувончлидир. Яқинда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида Тошкент вилоят адлия бошқармаси, «Тошкент» телерадиоканали,

т у м а н  
хокимлиги  
ва бошқа  
ташкilot-  
лар билан  
ҳамкорлик-  
да ўтказил-  
ган учра-  
шув кўпчи-  
лиқда қатта  
таассурот  
қолдирди.  
Айниқса, бу  
тадбирда ўзларининг амалий ишлари билан фаол иштирок этган туман ФХДЭ бўлими ходимлари мазкур йилнинг чин маънода оилаларни янада мустаҳкамлаш бобида амалий тажрибаларга бой бўлаётганини алоҳида таъкидлашди.

### Феруза МУСАЕВА, Бёкобод туман ФХДЭ бўлими мудир:

— Халқимизда «Чумчуқнинг ҳам уяси бузилмасин» деган ниҳоятда ибратли ҳикмат бор. Шу маънода турли хил арзирли-арзимас баҳоналарни рўқча қилиб, энг сўнгги чора сифатида ажрашишга қарор қилган оилаларни имкони борича яраштиришга ҳаркат қилаёмиз. Беш қўл баробар эмас. Аксарият ҳолларда хозирги ёшларнинг мустақил рўзғор тебратишга уквусизлиги, ёш турмуш курганлиги ёки бирон тайинли касб-хунар эгалламаганлиги турли хил низоларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун биз бўлимишимиз қошида фаолият юритаётган «Оила дорилфунуни» машғулотларининг таъсирчанлигини ошириш йўлларини излаёмиз.

Яна бир ибратли жиҳати, «Тошкент» телерадиоканали орқали намойиш этилаётган «Мустаҳкам оила — фароғат манзили» деб номланган кўрсатувнинг ҳам таъсир доираси, оммабоплиги ошиб бораётди. Таклифим, имкони борича одамлар орасида ана шундай чиқишларни кўпайтириш керак.

### Абдурашид ТОШМАТОВ, Бёкобод туманидаги Хос қишлоғи фуқароси:

— Фарзандларимиз улғайса, у ўғилни, қизни, барибир, тезроқ уйлантириш ёки турмушга узатишга шошилмаслигимиз керак. Нега десангиз, хозирги кунда қанчалаб ёш оилалар бир-икки йилга етмасдан ҳе йўқ, бе йўқ, ажрашаманга тушади. Сабабини сўрасангиз, тайинли баҳона йўқ.

Ўз оилам тажрибасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, қизларимнинг қаттасини 21 ёшида узатган бўлсам, ўғилларимни эса 25-26 ёшида уйлантирдим. Ҳаммасининг касби, хунари бор. Яна бир яхши жиҳати, қариндошлар билан қуда-андачилик қилмадим. Куёвларим ҳам, келинларим ҳам бегона. Энди кўпчилик «Абдурашид акадан ибрат олиш керак», деб тан беради.

Хуллас, Бёкобод туманида «Мустаҳкам оила йили»га бағишлаб ўтказилган бу тадбир ўз маҳалласида обрў-эътибор қозонган оила соҳибларининг ажойиб беллашувига айланиб кетди десак муболага бўлмайди.

Турдикул НОРМАТОВ,  
«Оила ва жамият» муҳбири.

## «ҚАЛДИРҒОЧ» — ҚАДРИЯТЛАР ДАВОМЧИСИ

лиятини ёритмоқчи бўлганимизда коллеждигилардан «Улар бизнинг оғриқли нуқтамиз» каби фикрларни кўп эшитдик.

— Ушбу танлов эълон қилинган дастлабки йилларда коллеж ўқувчиларининг чиқишларини кўриб, ёшларнинг аъёнлари, қадриятларга жуда ҳам интиқ эканини кузатиб бошим осмонга етди, — дейди коллежининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Ҳусан Хайруллаев. — Коллежимиз жамоаси ҳам «Қалдирғоч» ансамблини йилдан-йилга такомиллаштиришга, уни турли қадим аъёнлар билан бойитишга интила бошлади. Ўқувчилар уйларида, кўни-кўшиларидан ота-боболари ишлатган рўзғор буюмларини олиб келишди. Уларнинг бу каби қизиқишлари барчани руҳлантирди. Ўз ўқув масканига меҳр уйғотишга туртки бўлди, таълим-тарбияси ҳам ижобий таъсир кўрсата бошлади. Бир сўз билан айтганда, ансамбль ижобий маънода «оғриқли нуқта»мизга айланди.

...Бундаги маросим, одатлар ҳам тош, чорва билан чамбарчас боғланиб кетган. Оқсоқолликка сайлаш унинг бари-га қанча тош тўплангани билан



— Унутилган қадриятларни тиклаш мақсадида ташкил этилган ушбу фестиваль тўла маънода ўз мақсадида эришмоқда, — дейди коллежининг тарих фани ўқитувчиси Замира Маматова. — Сабаби, ҳар бир инсон қимлигини, ажодлари қандай шагани, нималар билан шугулланганини билишга қизиқади. Тарих инсоннинг ажралмас бўлиги. Ўқувчилар учун аъёна, урф-одатларимиз орқали бунни тушунтириш аянам қизиқарли. Шу пайтгача ансамбль томонидан «Дўрмонтепада сайл», «Оқсойда баҳор» каби сценарийлар асосида чиқишлар амалга оширилди. Ушбу дастурда номлари айтилган қишлоқларнинг урф-одат, аъёнлари саҳнага куй-қўйиқ, лапарлар, ривоятлар асосида олиб чиқилди. Бу йил эса «Са-

стурда алла айтдим, — дейди коллежининг биринчи босқич ўқувчиси Қизларгул Ҳушвақтова. — Устозларим кўмагида унинг сазогонликларга хос тарзда айтилиши кўпчилиқда яхши таассурот қолдирди.

Гулрух МҲМИНОВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.  
Самарқанд вилояти.

## МАҲАЛЛА — МУҲИМ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

Бугун мамлакатимизда давом этаётган босқичма-босқич демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, фуқаро — жамият — давлат муносабатларини эркинлаштириш, манфаатлар мувозанати ва жамоатчилик назоратини таъминлашда дунё давлатлари амалиётида камдан-кам учрайдиган ўзига хос миллий қонунчилик тизими яратилди.

Бинобарин, кейинги йилларда қабул қилинган «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат но-тихорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик

институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фуқаролик жамияти институтлари фаолигини кучайтиришда асосий омил бўлмоқда. Ўз навбатида Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотихорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимларини жамлаган Парламент комиссиясининг ташкил этилиши ҳам ушбу йўналишда муҳим ўрин тутди.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, масъулиятини кучайтириш ва пировақарида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоя қиладиган, уларнинг ишончини қозонишда биринчи даража-

даги тузилмага айлантириш йўлида кўпгина ишлар амалга оширилди.

Жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида маҳаллага кенг ваколатлар берилгани, аҳолининг хоҳиш иродаси ва манфаатини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш ва сайлашда демократик мезонларнинг ишлаб чиқилганлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Таъкидлаш керакки, Юртбошимиз ташаббуси билан 2012 йилнинг мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши, бу борада белгиланган устувор вазифалар ҳам биринчи навбатда ўзини ўзи бошқариш органлари-га қатта масъулият юклайди. Шунга кўра айни пайдада фуқароларнинг ўзини-ўзи

бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омил — бу жамоатчилик назорати функцияси таъсирчанлигини, бунда Бевосита фуқаролар йиғини раисларининг масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар ўзини оқламоқда.

Энг муҳими, замон талабидан келиб чиққан ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаро, жамият, давлат муносабатларида, барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очик демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон ва унинг манфаатлари, ҳуқуқ ҳамда эркинликлари амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, ҳажон миқёсда обрў-эътибор қозонган жамият барпо этишдек юксак мақсадларни амалга оширишда асосий бўгин сифатида намойиш бўлиши лозим.

Нилуфар САТТОРОВА,  
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси.  
Бекзод АЛИМУРОВ,  
Чироқчи туман 1-сон ДНИ катта нотариуси.

**ҚАЙТМАС БОЛАЛИК  
ХОТИРАЛАРИ**

...Болалигимни эсласам, кўз ўнгимда кўхна Самарканд шаҳридаги ўзим туғилиб ўсган каттакон, файзли ховли гавдаланади. Буви-бувам билан бирга яшардик. Каттакон ховлида 12 нафар фарзанд билан 18 нафар неваралар бирга турар-

буюриб туришарди. Машхур рассом Чингиз Аҳмаров ҳам бувамнинг энг яқин сирдошларидан бири эди. Улар йиғилгани заҳоти атрофида бизлар ҳам гирдиқалалак бўлардик. Чунки бувам жўраларига скрипка чалиб берарди-да. Мен ҳам жон қулогим билан эшитардим. Ким билади, балки мусиқага иштиёқ ўша дамлардан бош-

ёқда қоғозу бўёқлар сочилиб ётади... Онам уларни бирон марта оғринмасдан йиғиштириб юрарди. Менинг санъат соҳасида озми-кўпми ютуқларга эришганимни кўрган-эшитган онажоним худди ёш боладай хурсанд бўлиб кетарди. Кўшиқларимни телеэкран қаршида кўзларида кувонч ёшлари билан кўриб, берилиб

**Ифтихор**

додсиз санъаткор санъат оламида узоқ яшай олмайти. Бунга ўз ҳаётим давомида кўп гувоҳ бўлганман.

Ўтган йили юртимизда ўтказилган ёш истеъдодларнинг "Келажак овози" кўрик-танловига кўшиқчилик йўналишида ҳакамлик қилдим. Республика-мизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларидан келган ёшлар орасида ҳақиқий овоз соҳиблари етишиб чиқаётганлигидан қувондим. Тўғри, уларда ҳали бироз куйлаш услубида камчиликлар бор. Бу каби жузъий қусурлар тайёргарлик жараёнида ўз-ўзидан йўқолади. Асосийси, уларда ширин овоз бор, ҳавас бор. Демак, санъатимиз келажакда янада юксалишига шубҳа йўқ.

**КОРЕЙС ҚИЗИ  
БЎЛСАМ-ДА...**

Касбим тақозоси билан дунёнинг кўп жойларида ижодий сафарларда бўлганман. Лекин ҳеч бир юртда ўзбеклардек меҳмондўст халқни учратмадим. Биз эшигимизни тақиллатиб келган ҳар қандай меҳмонни "Келинг, марҳамат, бир пиёла чойимиз бор" дея илтифот билан уйга таклиф қиламиз. Охириги нонимиз қолган бўлса-да, у билан баҳам кўра-миз. Чет элларда бундай одатлар йўқ. Айниқса, маҳалладаги кўни-қўшнилари-нинг Наврўз арафасида қозонда сумалак қайнатиб, ҳаммага тарқатишлари, ҳайит айёмларида кўни-қўшнилари-нинг бир-бирга ош узатишлари қандай ажойиб урф-одатлар-а! Бир коста таом билан кўни-қўшнилари-ни йўқлаш замирида ўзбекона бағрикенглик, меҳр-оқибат ва хайр-саховатни кўраман. Ўзбек миллий урф-одатлари менинг ҳам қон-қонимга сингиб кетган. Корейс миллатига мансуб бўлсам-да, таниш-билишларим мени ҳам ўз жигарларидек эъзозлашади. Бундай самимий эҳтиромдан бошим осмонга етади. Ахир, мен ҳам шу тупроқда киндик қоним тўкилганлиги, шундай жаннатмонанд юртда меҳр кўриб, эъзоз топганим боис, Ўзбекистонни бор қалбим билан севаман!

Ўзбек тилида бемалол гапиришим, кўшиқ куйлаганим боисми, кўпчилик Зоянинг турмуш ўртоғи ўзбек бўлса керак, деб ўйлашади. Умр йўлдошим корейс миллатига мансуб, у ҳам ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, боқий кадриятларини хурмат қилади, қадрлайди.

Биласизми, бизнинг оиламида азалдан бир ажойиб анъана шаклланган: у ҳам бўлса, киндик қонинг қаерда тўкилган бўлса, қайси заминда туғилиб, кўз очсанг, шу тупроқни қадрда, эъзозла. Менинг ота-боболарим учун Ўзбекистон олтин бешик бўлган, муқаддас маъво бўлган, демак мен учун ҳам муборак ва бетимсол Ватандир! Шундай экан, мен ҳар доим таъкидлаётган, қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, ўз тақдирини шу бетакрор юрт билан боғлаган экан, биринчи навбатда тилини ўргансин, унинг урф-одатларини қадрласин. Шундай йўл тутган одам ҳеч қачон кам бўлмайди.

"Оила ва жамият" муҳбири  
Нилуфар САПАЕВА  
ёзиб олди.



**КУДУҚ** — бу сўзнинг маъносини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин, унинг туб илдизи қандай маънони англатади. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, "кудуқ" сўзининг туб илдизи "паст" маъносига "куйи" сўзига бориб тақалади. Маълумки, "куйи" сўзининг "пастда жойлашган" деган маъноси ҳам бор.

Сув ичадиган кудуқингга тупурма.

Мақол

**ЭКСПЕРТИЗА** — тилимизда қийин ёки чигал масалани ечиш ва ҳал қилиш учун мутахассислар иштирокида ўтказиладиган текшириш, шундай текшириш ўтказувчи мутахассислар ҳайъати "экспертиза" сўзи билан ифодаланади. Хўш, бу сўзнинг асл маъноси қандай мазмунга эга? "Экспертиза" сўзи тилимизга лотин тилидан кириб келган бўлиб, "тажрибали", "синалган" деган маъноларни англатади.

Суд-тиббийёт экспертизаси.  
Экспертиза хулосаси.

**МАРС** — Куёш системасида тўртинчи сайёранинг номи билдирган "Марс" сўзи аслида Рим мифологиясидаги бир мафбудинг номи бўлган. Хўш, бу сайёра энг қадимги даврларда бизнинг тилимизда қандай номланган? Энг қадимги обидаларимизда Марс сайёраси "Ўт юлдуз" деб аталган. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билги" асарига бу сайёра "Бақир соқина" деб аталиб, бу бирикма "мис пайкон" деган маънони англатган. XIV асрнинг ўрталаридан бу сайёра "Миррих" номи билан аталган.

**ХУЛҚ** — тилимизда кишининг феъл-атвори, табиати, муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуини ифодалаган "хулқ" сўзи бир қарашда "халқ" ва "холик" сўзларига яқиндай туюлади. Бироқ, "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича "хулқ" сўзининг туб илдизи "лойиқ бўлди" деган маънони англатган.

Яхши хулқ — кишининг хусни.

Мақол

Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади.

**ЎЗБЕКИСТОН — ОЛТИН  
БЕШИГИМ МЕНИНГ**

— дейди миллий эстрада кўшиқларининг хушовоз ижроси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зоя ЦОЙ



тинглайдилар. Онамнинг хурсанд ҳолатини кўрсам, маҳкам қучоқлаб оламан.

Ота-онам ҳозир улуг ёшга кирган бўлсалар-да, доим бизларни қўллаб-қувватлаб, ёрдам беришдан чарчашмайди. Ҳозир ўзим ҳам онаман. Ўғлимни тарбиялашда бува-бувим, ота-онамдан олган ўғитларим, сабоқларим қўл келяпти. Чунки улар болани ўз қизиқшига қараб касб танлаши кераклигини, уларга нафақат ота-она, балки яқин дўст, сирдош бўлиши даркор деб, уқтиришган.

Отам ўз ишлари билан кўпроқ банд бўлганлари учун онам бир сония ҳам бизларнинг ўқишимиз, юриш-туришимиздан беҳабар қолмаганлар. Доим қизиқарли китоблар олиб берар, илм-фанга, санъатга меҳр уйғотишга ҳаракат қиларди.

**КУЙЛАРИМ...  
ВА ЎЙЛАРИМ**

"Ёр-ёр", "Алла" каби миллий кўшиқларни эшитсам, ишонасизми, юрагим жунбушга келади. Оналар қалбига бор меҳр-муҳаббатини фарзандига алла оҳангига етказиши. Шунинг учун ҳам алла эшитиш ўсган боланинг онасига, ватанига меҳри ўзгача бўлади.

"Ёр-ёр"ларни айтинг: сеҳрли нолалар оҳани остида салому таъзим билан эгилганида келинингиз сизга бўлган хурмат-эҳтиромни нақадар улуғлигини ҳис қиласиз. Бу ўлмас кўшиқларимиз шунинг учун ҳам асрлар оша ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ.

Ўзбек эстрада кўшиқчилиги хусусида сўз кетар экан, бевосита 60-70 йилларда ижод қилган оташнафас санъаткорлар номи тилга олмай илож йўқ. Айниқса, ўша йилларда суратга олинган "Мафтунингман" фильмида ижро этилган кўшиқлар мени саҳрлаб қўйган. Улуг санъаткорлар Ботир Зокиров, Муҳаббат Шамаевалар санъатига хурматим беқиёс. Ҳатто уларнинг айрим кўшиқларини ўзим ҳам баҳоли қудрат куйлаганман.

Ҳозирги кунда айрим ёшларимиз маъно-мазмунсиз матнлар асосида чет эл куйларини ўғирлаб кўшиқ куйлашаётгани сир эмас. Ижодий учрашувларимизда муҳлислар шулар ҳақида кўп савол беришади. Менинг фикримча, булар вақтинча. Бу «касалик» бутун дунёда давом этапти. Вақти келиб, барчаси ўз ўрнини топиб, истеъдодлар юзага чиқади. Мен бунга ишонаман. Истеъ-

лангандир. Бу ижодий муҳит ниҳоят ўз мевасини берди: бувамнинг уч нафар ўғли рассом, бир қизи балерина бўлиб етишди. Жумладан, менинг отам ҳам рассомликни танлади.

Ушанда оиламизда ажойиб удумлар бор эди. Туғилган кун ва байрамларда бизлар катталар учун турли сахна кўринишлари тайёрлар эдик. Биримиз кўшиқ айтиб, бошқамиз рақсга тушиб, чинакам театр томошасини тақдим қилардик. Энг асосийси, бу "хизматлар"имиз учун катталарнинг тайёрлаб қўйган ажойиб совғалари бизларга олам-олам кувонч бағишларди.

Мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳам биронта тadbир менинг иштирокимизсиз ўтмасди. Байрамларда бошловчилик ҳам қилардим, кўшиқ айтиб, рақсга тушардим, расмлар чизардим. Лекин кўшиқчи бўлиш истаги ҳамма қизиқишларимдан устун келди. Шу боис ҳам Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтига ўқишга кириб, уни имтиёзли диплом билан тамомладим...

**ОНАЖОНИМДАН  
ҲАМИША  
ҚАРЗДОРМАН**

Агар мендан дунёда энг фидойи, матонатли инсонлар ким, деб сўрашса ҳеч иккиланмай, ОНАлар деб жавоб берардим. Чунки бутун умрини оиласига бахшида этиб, фарзандларини баркамол этиб тарбиялаб уларнинг дарди-ю, кувончи билан яшаётган мунис аёлларга яна қандай таъриф бериш мумкин?

Рассомлар хонадонини тасаввур қилсангиз керак: ҳамма

дик. Кейинчалик ҳаммамиз ҳар ёқларга бирин-кетин учирма бўлиб кетдик...

Ижодимнинг ибтидоси мана шу оиладан бошланган десам, асло муболага бўлмайди. Чунки бувам истеъдодли рассом бўлиб, уйимизга уларнинг ҳам-касб дўстлари тез-тез ташриф

**Анвар АЛИМОВ, республика Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари:**

— Фармацевтик бозорда нархларни баҳолаш ижтимоий-иқтисодий йўналишининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Дори воситаларига нархларни белгиланиши фармацевтик корхоналари маҳсулотларига улгуржи ҳамда дорихоналардаги чакана баҳо, ҳорижий давлатлар билан товар алмашув шароитларига боғлиқ. Чакана баҳоларда дори воситалари дорихоналарда сотилади. Чакана баҳолар саноят улгуржи баҳоси, даромад солиқлари, савдо устамаси каби элементларда шакллантирилади.

Республикамизда фармацевтик бозор фаолиятида дори воситаларига эркин нархларни белгиланиши билан бирга давлат томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 307-сонли "Ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида етказиб беришда қатнашувчи воситачилар сонидан қатъи назар, сотиб олиш қийматининг 20% дан кўп бўлмаган миқдорда улгуржи-чакана савдо устамаси қўлланган ҳолда ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 19-сонли "Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарорида дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан дори воситалари ва тиббий буюмлар етказиб беришда қатнашувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун 20% дан ортиқ бўлмаган, чакана савдо учун 25% дан ортиқ бўлмаган миқдорлардаги чекланиш савдо устамалари қўлланган ҳолда шартномавий нархлар бўйича улгуржи ва чакана савдо тармоғи орқали сотилиши тартибга солиб турилади.

Лунда қилиб айтганда, айнан бир номдаги дори воситасининг нархи турли дорихоналарда ҳар хил бўлиши сабаби, дори ишлаб чиқарилган давлатга, дори воситасининг оригинал ёки қайта ишлаб чиқарилганлигига, мuddатига, қандай шароитда Ўзбекистон Республикасига киритилганлиги (тўғридан-тўғри ёки биржа орқали) га боғлиқ.

**Умида ҲАМИДОВА, Мирзо Улуғбек туманига қарашли "Айболит таблеткалари" дорихонаси провизори:**

— Нархларни белгилаётган-

Яқинда шаҳар марказидаги дорихоналардан бирига кириб, дюфастон таблеткасини сўрадим. Сотувчи менга дорини узата туриб, шундай изох берди:

— Кутида 20 дона таблетка бор, нархи 41 минг сўм.

Бундан арзонроқ нархда топарман, деган умидда бекат яқинидаги бошқа бир дорихонага кирдим. Қарасам, бу ерда худди ўша дорининг нархи 34 минг сўм экан! Бу галати тафовут мени ажаблантиргани боис, учинчи дорихонадан сўрасам, 39 минг сўм дейишди...

Хўш, айнан бир хил номдаги дори воситасининг нархи дорихоналарда турлича? Сабаби нимада? Нарх-наволарни белгилашда қандай тартиб-қоидаларга эътибор қаратилади?

да энг аввало худуддаги аҳоли сони, харидорларнинг моддий имкониятлари, мавсумий касалликлар эътиборга олинади. Бундан ташқари, дорилар баҳоси кўп жиҳатдан уларни етказиб берувчи фирмалар белгилаган нархга боғлиқ. Масалан, сиз сўраган дорини бундан уч ой илгари 34 минг сўмдан сотганди. Ҳозир эса

**Неля ФАТХУТДИНОВА, "Ўзфармсанот" давлат-акциядорлик концерни бош мутахассиси, тиббиёт фанлари номзоди:**

— Бутун дунёда ишлаб чиқарилаётган дори воситалари оригинал ёки янги дори воситалари дейилади. Булар йигирме йил ичида бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан муомалага

лаиш қатъий ман этилади. Шу боис фармацевтлар рецептсиз дорилар сотишга мутлақо ҳақли эмас. Турли суртмалар, тиббий жиҳозлар, ностероид гармонлар, яра, ацептик, дезинфекцияловчи дори воситалари бундан мустасно. Бунда ҳам албатта, шифокор кўригидан ўтиб, маслаҳат олиш зарур.

## Долзарб мавзу

ўрганиш пайдо бўлиб, кейинчалик бундан-да қучлироқ, ўз навбатида салбий таъсири юқори дориларни қабул қилишга тўғри келади. Ҳозирги кунда юртимизда дори-дармон савдосини тартибга солиш, аҳолини сифатсиз, зарарли дори воситаларидан ҳимоялашнинг муайян тизими йўлга қўйилган. Бу борада юзага келаётган муаммоларни бартавраф этиш мақсадида 2011 йилдан бошлаб айрим дори воситаларини шифокор рецептсиз сотиш бутунлай таъқиқланди.

**Дониёр МИРЗАЕВ, фармацевт:**

— Биз фақат дорилар ҳақида маълумот бера оламиз, холос. Мижозларга у ёки бу дорини сотиб олишни тавсия қилишга эса умуман ҳақимиз йўқ. Баъзи харидорлар шифокор рецептсиз дори сотиб олишни хоҳлайди. Бунинг қонунга хилоф эканини тушунтиришга тўғри келади. Кунни кеча бўлган воқеани айтиб берайин: бир аёл анальгин ва димедрол таблеткасини беринг, деб келди. Кимга ичирасиз, десам, тўрт яшар ўғлим кечаси безовталанди, яхши ухламапти, дейди. Ёш болаларга бундай қучли дориларни бериш мумкин эмаслигини, зудлик билан фарзандини шифокорга кўрсатишни маслаҳат бердим. Аввалига эшитгиси келмади, кейин тушунди.

Дарвоқе, бугунги мақоламиз мавзуси бевосита дори-дармонларнинг нарх-навоси ва улардаги тафовутларнинг сабаблари ҳақида эди. Албатта масъул мутахассислар бу борада амал қилаётган қонун-қоидалар ҳақида баҳоли қудрат маълумот беришиди. Барибир шу ўринда ҳақли савол туғилади: кейинги пайтларда ёмғирдан сўнг кўпайиб кетадиган қўзиқоринлар каби ҳар қадамга учрайдиган (мутахассисларнинг изох беришларича, биздаги дорихоналар сони ҳатто ривожланган ҳорижий давлатлардагиларга нисбатан солиштирилса, бир неча баробар кўп экан!) дорихоналарда маҳсулотлар сифатидан ташқари хизмат кўрсатиш маданияти қай даражада? Ёки, аксинча, бизнинг ўзимиз тиббий маданиятни эгаллашда орда қолмаяптими? Бу ҳақда кейинги мақолаларимизда батафсил тўхталамиз.

**Нигора РАҲМОНОВА, "Оила ва жамият" муҳбири.**

# ДОРИХОНАЛАР КЎП-У, ЛЕКИН...

41 минг сўмдан сотилмоқда. Бунинг сабаби оддий, маъмур дори воситаси бизга олдингига нисбатан қиммат нархда келмоқда. Биз кўпроқ «Навбахор», «Асклеп» очик-акциядорлик жамиятлари билан ҳамкорлик қиламиз. Мисол учун, глицин таблеткаси битта фирмда 2900, 2600, бошқасида 2300 сўмдан. Ҳам арзон, ҳам сифатлисини сотиб олишга ҳаракат қиламиз. Айрим дориларнинг нархи бошқа дорихонадагиларга қараганда қимматроқ бўлишига сабаб, аҳоли сўраб келганида "Бу дори бизда йўқ эди" дегандан кўра, 1 ёки 2 та бўлса ҳам олишга мажбур бўламиз. Айрим харидорлар ўта камбўл дориларга буюртма бериб кетишади. Айтиш керакки, кўпчилик дориларга унчалик катта устама қўйилмайди. Бунда албатта, беморларнинг моддий тарафи ҳисобга олинади.

Кўпчиликни ўйлантирадиган яна бир хунук ҳолат шуки, айрим дорихоналарда сиз сўраган дори бўлмаса, сотувчи бошқасини тавсия қилади. Аксарияти "Номини бошқая, таркиби бир хил" эканига ишора қилади. Баъзан беморлар бирон дорини ичганида таъсири унчалик сезилмаганидан нолиб юради. Хўш, ёрликлари, ном ва ишлаб чиқарган фирмалари турлича бўлган дори воситаларининг беморлар организмга таъсири қандай?

киритилиши мумкин эмас. Ҳар бир дори ишлаб чиқарувчининг берган номи билан юритилади. Белгиланган мuddат ўтгандан сўнггина ушбу до р и п а т е н т

химоясидан чиқади. Тиббиёт соҳасида фаолият юритадиган одам бошқа ном билан уни ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлади. Дори воситасини сотувга чиқараётган шахс албатта унинг харидоригирлик ошин, деган мақсадда унга жарангдор, чиройли, кишилари ўзига тортадиган ном беради. Битта дорини бир неча савдо номи билан сотувга чиқишининг боиси шунда.

Ҳар бир дорининг йўриқномасида қўллаш усули, миқдори, таъсири, қайси касалликларда айнан кўпроқ самара бериши, микробларга таъсири ёзиб қўйилади. Йўриқномани ўқиган шифокор беморга бир хил номдаги дориларнинг беш-олти хил туридан касалликка мосини, миқдорини белгилаб буюради. Агар бемор излаган дорини топа олмаса, у шифокорга қайта муурожаат қилиб, тегишли маслаҳат олиши зарур. Айниқса антибиотиклардан шифокор тавсиясиз фойда-



**Мунира ҲАЙИТМЕТОВА, Мирзо Улуғбек туманига қарашли марказий кўп тармоқли поликлиника болалар бўлими бошлиғи:**

— Дарҳақиқат, айрим дори воситаларининг таркиби бир хил, ammo номи ва ишлаб чиқарувчи фирмаси турлича бўлади. Шунинг назарда тутиб, дори сотиб олаётганда, айниқса, қон босими, юрак касалликларида тавсия этиладиган дори-дармонларни харид қилишда шифокор тавсиясига қатъий риоя қилиш лозим. Негаки, шифокор беморни синчиклаб текшириб, касаллик тури, унинг ривожланиш босқичини аниқлагандан кейингина муолажа тавсия қилади. Олайлик, кимдадир бундай касаллик эндигина бошланган бўлиши мумкин. Бу ҳолатда дорихона сотувчилари беморларга ўзларича дори-дармонларни тавсия қилишга мутлақо ҳақли эмас. Акс ҳолда бемор организмда қучли дори воситалари, антибиотикларга

## АДИБ БИЛАН УЧРАШУВ

Халқимизнинг севимли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан Ташкент вилоятининг Бекобод туманида иждоий кеча бўлиб ўтди. Эътиборли жиҳати шуки, шоир гарчи Андижонда таваллуд топган бўлса-да, лекин унинг ёшлик йиллари бевосита Бекободда кечган, мухтасаргина айтганда, бу ерда адиб билан боғлиқ унутилмас хотиралар борлиги тадбирда алоҳида таъкидланди.

Ўзига хос адабий-бадий мулоқотга айланган анжуманда Ўзбекистон халқ шоирлари Тўлан Низом, Маҳмуд Тоир ва ҳассос иждокорнинг дўстлари, мухлислар сўзга чиқиб, Ўзбек миллий адабиётини салмоқли ўринга эга бўлган Муҳаммад Алини табаррук 70 ёши билан қутлашиб, ўзларининг сэмимий дил изҳорларини билдиришди.

**Турдикул НОРМАТОВ, "Оила ва жамият" муҳбири.**

## РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

### «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

- |   |  |
|---|--|
| Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.      | Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой. |
| Тўй ва оқшом либбослари — 1-2 ой.           | Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  |
| Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.   | Каштачилик — 3 ой (машинкада вўшивка).   |
| Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.  | Тўқувчилик — 2-3 ой.   |
| Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан). | Инглиз тили — 3 ой.  |
| Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.       | Рус тили — 3 ой.   |
| Торт ва пишириқлар — 2 ой.                  | Бисер, яъни муноҷот тикиш — 2 ой.  |
| Пишириқлар олий курси — 1 ой.               | Сунъий гул яшаш — 1-2 ой.  |
| Ҳаёт, Европа таом ва салатлари — 1 ой.      | Компьютер сабоқлари — 2 ой.  |
| Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.                 | Интернет — 1 ой.   |
| Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.   |  |
| Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.                  |  |

**Барчаси амалиёти билан**  
Ётоқхона маъжуд.

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-маъзе 1-уй 31-хона.  
МУЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори орқасида.

Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).  
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.  
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99897 785-90-30 (кундуз)



## Мактуб

Менинг онам 35 ёшида бева қолган. Отам қайсида йили уфлатлари билан тоққа борганида гаров ўйнаб, шаршаранинг совуқ сувида чўмилиб, буйрагини шамоллатиб кўйган экан. Шу-шу касаллиги кучайиб, бир ётганича қайта оёққа туролмади. Ушанда мен эндигина беш ёшда эдим. Онам поликлиникада болалар шифокори бўлиб ишлар, ягона ёдгори мени еру кўкка ишонмай тақрибляди. Оқ ювиб оқ тарали. Ҳатто мактабга ҳам ўзи олиб бориб келиб юрди. Бўйим етиб, узатиладиган бўлганимда, кечалари ҳаловатини йўқотиб, ўйга ботиб қолди. Ахир, отамдан кейин ёлғиз ишонгани, суянгани мен бўлсам... Бу ҳайхотдек шаҳарда фарзандидан бўлак яқини йўқ. Шунданми, келган совчиларнинг ҳам қанчасини ул-бул баҳоналар билан қайтарди. Лекин қиз боланинг тақдири ўзи билан, деганларидек, пешонамга битган шаҳзода бор экан. Онам танлай-танлай ўзига ўхшаган тақдир соҳибаси билан қуда бўлмоққа кўнди.

Кўёв бўлмиш ҳам отасидан эрта етим қолиб, ўз кучи билан қийналиб ўқиган, нуфузли корхонада яхшигина лавозимда ишларкан. Тўйимиз чиройли ўтди. Ҳамиша кўнглимга қараб келган онам бечора орзу-ҳавас, сарпо-сурунчи ҳеч қимдан кам қилмай узатди. Аввалига ҳаммаси бинойидек эди. Бир-биримизга узукка кўз қўйгандек мос эдик. Ҳар ўн беш кунда онамнинг ҳолидан хабар олиб турдик. Ойим ҳам бошида анча қийналди, кейинчалик кўниқиб қолди. Аммо мени жудаям авайлар, ҳар куну бир марта телефон қилиб ҳол-аҳвол сўрамаса, кўнгли жойига тушмасди. Келинлик уйимдагилар ёмон эмасди-ю, аммо қайнонам ҳам, қайсинглим ҳам турмуш ўрто-

ғимни мендан қизганишарди. Улар Саид аканинг келишини эшик олдида кутиб туришар ва келгани заҳоти дарров ўзларининг хонасига олиб кириб кетиб, чак-чаклашиб ўтиришарди. Дастурхон атрофида эрим билан ёнма-ён ўтириб қолсак борми, ўша куну қайнонамнинг қовоғидан қор ёғилиб, овқатни ҳам захар қиларди. Ҳатто, кеч тушиб хонамизга кириб кетсак ҳам, арзимаган баҳоналар билан ўғлини уч-тўрт марта тақриб оларди. Баъзан эрим билан кўча айланмишга чиқмоқчи бўлсак, у киши ҳам бизга қўшилиб оларди.

Кунлар шу зайлда ўта бошлади. Шу орада кизчалик бўлдик.



Кўп ўтмай, қайсинглимни ҳам узатдик. Менга гайрилик қилиб келадиган қиз турмушга чиққач, анча юмшаб қолди. Аммо қайнонамнинг галати қилиқлари чиқа бошлади. Олдин ҳеч бўлмаганда қизига суянаркан шекилли, энди ўғлини менга яқинлаштирмай қўйди. Фурсат топди дегунча мени Саид акага ёмон кўрсатишдан тўхтамасди. Бунинг оқибатида уйимизда ҳар куну жанжал. Мен бир-бирига меҳрибон, оқибатли оилада вояга етганим учунми, бу каби бўлар-бўлмас кўнгли-

хираликлар соғлигимга ёмон таъсир қила бошлади. Охири қайнонамни кўрсам юрагим тез урадиган, ҳатто хушимни йўқотадиган даражага етдим.

Бир дунё азоблар исқанжасида юрган маҳалим иккинчи фарзандимга ҳомиладорлигимни билиб қолдим. Ҳали қизим э м и з и к ё ш и д а э м а с м и,

устига устак туғуруқдан кейин организмим тўлик тикланмаган эди. Нимжонлигим туфайли бу кутилмаган жараён ҳам жуда оғир кечди. Уй-рўзгор юмушлари туғул, қизимга ҳам қарашга ҳолим йўқ эди. Узуккун қоронғу хонага кириб олиб, ёстикдан бошимни кўтарган келмасди. Бундай ҳолатдаги келинни ҳеч қайси қайнона ёқтирмайди-да. Менинг аянчли аҳволимни кўрган онам уйимизга олиб кетди. У ёқда доволаниб, бироз дармонга кириб, уйга қайтсам, яна аввалиги жанжаллар такрор-

ланди. Шу орада яна икки-уч марта онамникига бориб доволандим. Табиийки, бу қайнонам билан турмуш ўртоғимга хуш келмади. Бошида бизлардан кунора хабар олиб турган эрим ҳам охири умуман йўқламай

қўйди. Бу орада мазам бўлмай, касалхонага тушиб қолдим. Аммо ўн кун ётган бўлсам, у томондан ҳеч ким келмади. Яна онамникига бордим. Хуллас, шу алфозда ҳўжайиним билан орамиз совий бошлади. Қайнонамга эса айнан шу керак эди. Ҳатто бир гал "Сен бўлмасанг, ўғлим иккалаимиз маза қилиб яшаймиз" деса бўладими. Энг ёмони, эрим бизни олиб кетгани келмади, мен ҳам гуруримни ерга уриб, қайтиб бормадим. Ой-куним яқинлашиб ўғил кўрдим. Бу хушxabарни эшит-

ган отаси ҳатто янги туғилган фарзандини келиб кўришга ярамади. Қайнонамнинг зикна-лиги-ю, ўғлини қизганиши, эримнинг гурури, менинг ўжарлигим оқибатида ўғлимни туғруқхонадан тўғри онамникига олиб чиқдик...

Ҳозир Ситора қизим уч ёшда, ўғлим эса саккиз ойлик бўлиб қолди. Биз ҳамон онамнинг уйидамиз. Лекин ишонинг, турмуш ўртоғим ёки қайнонам билан бирор марта каттик жанжаллашиб, уришмаганмиз. Фақат мен уларни кутдим, улар эса мени кутишяпти. Тўғриси, онамникида эркингина, тинчгина яшаш ўзимга ҳам маъқул. Гапирадиган одам, сизгитирмайдиган келин бўлмаса. Онам олдингидек, мен ва болаларимга парвона. Бироқ отаси бўла туриб, икки фарзандимнинг тиррик етим бўлиб қолишини ўйласам, кечалари уйкум қочиб кетади. Нима қилай? Гуруримни енгиб, қилмаган айбим учун кечирим сўраб, эримнинг уйига бош уриб бораёйинми? Қайнонамнинг инжиқликлари, хархашаларига сабр қилиб оиламни сақлаб қолайми, деб кўп ўйлайман. Аммо ичимда нимадир, ахир сени энг оғир вазиятда ёлғиз ташлаб қўйган, ўз пуштитаридан бўлган боласини бир марта бўлса-да, соғиниб сўраб келмаган отани бошингга урасанми, дейди. Ҳайронман, нима қилсам экан-а? Ҳўш, дугонажонлар, сиз менинг ўрнимда бўлсангиз, нима қилган бўлардингиз? Ёки мард ва жасур, гурури йигитлар сизлар-чи, Саидни оқлайсизларми?

НИГИНАнинг мактубини  
Шаҳноза РОФИЕВА оққа  
кўчирди.

## “КЕЛИН БАРИБИР КЕЛИН-ДА...”

Мағфират опа зинадан тойиб йиқилиб тушди-ю, анча пайтгача ўрнидан туролмай ётиб қолди. Яхшиям бахтига келини Озода бор экан, корига шу яраяпти. Иссиқ-совуғидан хабардор бўлади, дориларини ўз вақтида бериб, оқ ювиб, оқ тарайди. Қизлари ҳам хабар олиб туришади, лекин уларнинг уй-жойи бошқа, бошида ҳўжайини бор, рухсат берса келади, бўлмаса йўқ. Ана шундай пайтларда Мағфират опа кўп дуо қилади ва бир вақтлар келинига нисбатан қилган ноҳақ ишлари учун пушаймон бўлади...

Ушанда Мағфират опа уч қиздан кейин туғилган ягона эркатойи Равшанни уйлантирмоқчи бўлиб, қиз қидираётганди. Равшан эса севган қизи — Озодадан бошқасига уйланмайман, деб туриб олди. Озоданинг онаси тикувчи, отаси эса заводда оддий механик бўлиб ишларди. Мағфират опа биттаю битта ўғлига бой, сарпо-сурунчи жойида қила оладиган, обрў-эътиборли оиланинг қизини келин қилишни истарди, лекин ўғлининг раъйига қарши боролмади.

Оғир-босиқ, мулойим, исми жисмига монанд бу келинга негадир қайнонамнинг кўнгли илимади. Қизлари келса, дарров уни ёмонлашга тушарди.

— Ҳа, келин барибир келин-да. Ҳеч мен билан бир ёзилиб гаплашиб ўтирмайди. Кеч туша бўлди, наридан бери ошхонани йиғиштиради-ю,

эрининг олдига киради кетади, — деди у бир куну қизи Салимага ҳасрат қилиб.

— Узингиз ҳам унга ҳеч яхши гапирмайсиз-да, ойи, — деди Салима бу сафар шартта онасининг гапини бўлиб. — Ўзи сал тортинчоқроқ. Мундоқ яхши гапириб, у-бу нарсани ўргатиб, ёнингизга олсангиз бўлади-ку. Шундай қилганингиздан кейин, албатта, сиз билан гаплашишдан чўчийди-да, нукул уриш-



ганингиз уришган.

— Ҳа, сенга нима бўлди? Уканга ўхшаб сени ҳам сеҳрлаб олдимми? Шунанга экан-да энди, қариганангга ҳеч кимга ёқмай қоларкан, — деди Мағфират ая қизига ҳам жаҳл қилиб.

Озода бундай сўхбатларнинг кўпини эшитиб қолар, кўнгли оғриб,

бурчак-бурчакда йиғлаб оларди. Лекин турмуш ўртоғи Равшаннинг хурмати учун бир оғиз гап қайтармасди. Буну эри ҳам яхши билар, шунинг учун доим “Онам ўзи яхши аёл, мана кўрасан, улар ҳам бир куну сени мендек яхши кўриб қоладилар”, деб юпартарди.

Озода бир йил ўтар-ўтмас фарзандли бўлди. Бешик тўйи қиладиган бўлишди. Кудаси қўлидан келганча

**Турмуш чорраҳаларида** к е р а к бўладиган анжомлар олиб келди. Лекин булардан кўнгли тўлмаган Мағфират опа бешик тўйининг эртасигаёқ жанжал чиқарди...

Шуларни эслаб, ич-ичидан пушаймон бўлиб шифтга тикилиб ётган онахон келинининг мулойим овозидан ўзига келди.

— Ойижон, мана бу илик шўрвани ичиб олинг, сизга фойдали, — деб аста оғзига овқат тутиб турган келинни бағрига босаркан, йиғлаб юборди:

— Сизнинг яхшилигингизни билмай юрган мендек гоғил бандани кечиринг...

Озоданинг ҳам кўзига ёш келди. — Ойижон, ундай деманг. Мен сиздан хафа эмасман, аксинча, шундай ўғил ўстириб, унга мени муносиб кўргангиздан ҳаммиша хурсанд бўлганман, онажон...

Шундан кейин, қайнона-келин узоқ гаплашиб, ҳасратлашиб ўтирадиган бўлишди. Тез орада Мағфират опа ҳам оёққа туриб кетди. Энди у келини Озодани қизларидек эъзозлайди. Келини Озода ҳам қайнонасини еру кўкка ишонмай, доим асраб-авайлайди...

Муқаддас БОБОМУҲАМЕДОВА



## Акс-садо

## ҚАНИЙДИ АМАЛ ҚИЛСАК...

“Тўй-маърака

ихчам бўлса” — 24-сон

Ўтган ҳафта кўлимга таклифнома бериб кетишди. Бирданига наҳорги ош вақтига қарадим: негадир 6-00 деган рақам ручкада 7-00 га ўзгартириб чиқилган экан. Хурсанд бўлдим. Нега десангиз куну кеча “Оила ва жамият” да халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракалар ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида” ги қарорининг мазмун-моҳиятини акс эттирган мақолани ўқиган эдим-да. Мана, бўлар экан-ку деб қўйдим.

Кечаги якшанбада эса бунинг аксига гувоҳ бўлдим. Маҳалламизда яшайдиган тижоратчи йигит ресторанда ош берди. Қўни-қўшинлар роппа-роса тонгги бешда йиғилдик. Беш яримда борсак, аллақачон ичкари меҳмонларга тўла экан. Секин шеригимдан сўрадим: “Булар ҳалиги қарорни ўқимаганмикан?” У бўлса “Бугун дам олиш куну-ку” деб жавоб берди. Нима дейишни билмай қолдим. Лекин вақтли уйғонганим учун кун бўйи қарахт бўлиб юрдим.

Барибир ҳайрон бўлдим, нима, юқоридаги қарор ҳамма учун баробар эмасми? Иш куну соат еттида, дам олиш куну эса сахармундонда ош берилсин деган жойи йўқ эди шекилли. Бундай ўзбошимчиликларга одамларнинг ўзлари сабабчи эмасмикан?

Зоҳир РАУПОВ,  
Миробод тумани.



### АТИРГУЛЛАР МЎЪЖИЗАСИ

Ўтган асрнинг 30-йилларида тиббиётда "ароматерапия" атамаси пайдо бўлди. Одамлар гуллар, хусусан, атиргуллар ифориани ҳидлашиб, кайфиятлари яхшиланган, рухлари тетиклашган, бир-бирлари ўртасида ижобий аура шаклланиб, ўзаро муносабатларда илиқлик пайдо бўлган, теварак гўзалликларини янада аниқроқ ҳис этишган.

Булғор атиргулини ҳидлаган одам ҳар қандай бегона жойда ўзини ўз уйдгадек эркин тутаркан. Бу гул ўзининг хотиржамлик бахш этувчи хусусияти билан табиатда етакчилик қилади.

Бугунги кунда атиргулларнинг барча рангдаги турлари учрайди. Кўк ва қора рангли атиргулларни бундан мустанно дейишимиз мумкин. Чунки, бу ранглар т а б и и эмас, балки гулларга сунъий равишда шундай тус берилган. Аммо айни вақтда генлар муҳандислиги томонидан табиий хаворанг атиргул навини яратиш устида тажриба ўтказилмоқда. Табиий қора атиргул ўрнида эса жудаям тўқ қизил тусли атиргулларни қабул қилиш мумкин экан.



Флора оламида "Дорихона атиргули" (Apothecarys Rose) номи нава ҳам бўлиб, гулбарглари курилганда унинг ифори янада кучли таралади.

Абу Али ибн Синонинг тиббий кўрсатмаларида атиргулдан фойдаланиш ҳақидаги тавсиялар икки саҳифани эгаллайди.

Японияда атиргулнинг шундай ноёб тури мавжудки, унинг гулбарглари кундузи оч қизил, кечаси эса оппоқ рангга киради. Шу боис бу нава «Хамелеон» деб аталади.

"Lady Banks" деб номланувчи ёлғиз ўсадиған энг катта оқ атиргул бутаси АҚШнинг Аризона штатида бўлиб, футбол майдонидек жойни эгаллаган. Гуллаш мавсумида бута 200 мингдан ортиқ гуллар билан қопланади. Гиннеснинг рекордлар китоби вакиллари ушбу атиргул бутасининг ўсиш ҳажмини ва гуллар сонини ҳар йили ҳисоблаб боришади.

Атиргулнинг «Си», яъни испан тилида «Ха» деб аталувчи нави дунёдаги энг мишти атиргул бўлиб, унинг гўнчалари гуруч донасидан катта бўлмайд.

Жаҳоннинг энг қадимий атиргули Германияда ўсади. 1000 йилликни бўйлайдиган ушбу атиргул бутаси Хильдесхаймдаги черков биносининг томга қадар чирмашиб кетган.

Конфуций кутубхонасида атиргул ҳақидаги асарларнинг 600 томи саналган. Шекспир ўз поэмаларида атиргулларни 50 мартадан кўпроқ эсга олади. АҚШда атиргуллар ҳақида тўрт мингдан зиёд кўшиқ яратилган. Шунингдек, спорт жамоалари ишқибозларининг фанатлигини билдирувчи шарфлари ҳам "атиргул" деб аталади.



Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

### АЙТСАМ ТИЛИМ КУЯДИ, АЙТМАСАМ...

Қозоғистонда ҳарбий хизматда юрган пайтим онам менга бир қизнинг суратини жўнатди. Менга ёққандек бўлди. Хуллас, олти ойдан сўнг, тақдирни қарангки, ўша қизга уйландим. Афсуски, ўртоқларимнинг "Севмай, билмай туриб уйланиш гирт беъманилик", деган гаплари рост экан. Лекин, нима қилай, кетма-кет туғилган уч фарзандимни уйлаб, ана-мана дегунча орадан ўттиз йил вақт ўтиб кетса ҳамки, чидаб яшадим. Ишонасизми, уйимизда худонинг берган куни сабабсиз жанжал чиқарди.

Болаларим вояга етгач, ўз йўлларини топиб кетишди. Сўнги 5-6 йиллик ҳаётимни сарҳисоб қилиб кўрсам, энг аянчли саҳифалар намоён бўлади, десам янглишмайман. Барибир бу ҳолатда яшаб кетолмаслигимни англаб, ўтган йилнинг кунда суд орқали ажрашишга мажбур бўлдим. Ҳозир марказдан сотиб олган икки хонали квартирада ёлғиз яшапман. Аёлим эса кичкина қизим билан ҳовлида қолишди. Маълумотим олий. Атрофимда кўнглимга яқин дўсту биродарларим кўп. Аммо аёл кишининг ўрни бўлакча экан. Шу боис уйланишга қарор қилдим. 35-45 ёшлардаги сурхондарёлик (ёки Андижон, Фарғонадан бўлса ҳам майли) иймонли, сариштали, зиёли аёл топилса, ҳаётимнинг қолган қисмини боғламоқчиман.

Йўлдошали,  
Сурхондарё вилояти.

### ЭРКАГИ ЙЎҚНИНГ, ЭРКИ ЙЎҚ ЭКАН

— Синглим, кирсам майлими?  
— Марҳамат, эшитамиз сизни.

— Узр, бир нарсани сўрамоқчийдим.  
Эшим 51 да. Мен тенги аёлларни ҳам сўраб келишадими?

— Албатта, ахир сиздай келишган, чехрасидан нур ёғиладиганлар кимдир бахтли қилиши мумкин-ку. Мана ҳозиргина бир қиз ўз отасига 55 ёшларга кирган аёлни сўраб келувди. Тошкент шаҳрида яшовчи ёлғиз аёллардан бирининг телефон рақамини бердик.

— Унда мени ҳам "Бахтли бўлинг" бўлимига аъзо қилиб қўйинг. Асли андижонликман. Кўпдан буён Тошкент шаҳрида яшайман. Уй-жойим бор. Бир

қизимни турмушга узатганман. Неварам бор. 22 ёшли ўғлим билан бирга турамиз. Уни уйлантиришим зарур. Қизимни турмушга узатаётганимда ёқтирган йигитининг онаси ажрашганимни эшитгач, ўғлини бошқасига уйлантирди. Қизимни ҳам яхши бир йигитга узатдим. Шукр, оиласи тинч. Навбат энди ўғлимга. У бўлса "Онажон, яхши кўрган қизим бор, ўшани олиб берасиз", деб оёқ тираб туриб олган. Опасининг куни бошига тушмасин деб кўрқаман-да. Ёқтирган қизини ололмаса, у ҳам мендан хафа бўлади. Бир пайтлар ўзим хўжайинимга кўнгилисиз бўлганим учун ажрашгандим. Болаларимга бундай тақдирни раво кўрмайман. Эркаги йўқ аёлнинг

— Э, Диёрбек эсладик. Кўринмай кетдингиз.

— Ушанда сизлардан бирийўла иккита қизнинг телефони рақамини олгандим.

— Бирортасини танладингизми?

— Ҳа, фақат жуда қийин бўлди. Жиззахлик Сожида деган қизга кўнгирик қилиб, учрашув жойини белгиладик. Дугонаси билан келди. Биргалашиб боғни айландик. У оғиртабиат, босик, қиз экан-у, дугонаси сал шаддорроқ экан. Сожида қолиб, нукул у гапирди. Нима иш қиласиз? Маошингиз қанча? Тўйдан кейин қаерда яшайсизлар? Худди терговчилардек саволга тусса денг. Жаҳлим чиқиб, "Кечирасиз, мен дугонангиз билан оила қураманми ёки сиз билан, десам, Сожида "Дугонамга ёқсангиз бўлди. У нима деса шу" дейди. Майли, энди қиз боламанми ёки сиз бўлади, деб ҳаммасига чидадим. Дўконга кириб, иккаласига ширинликлар олиб бердим. Уч-тўрт кундан кейин кўнгирик қилсам, "Кечирасиз, дугонамга ёқмабсиз, сизга турмушга чиқолмайман", дейди. Мен ҳам бўш келмадим: "Бўпти, дугонангизни сўзига кириб, эрга тегмай юраверинг, қариқиз бўлиб", деб гўшақни қўйиб қўйдим.

— Диёрбек, адашмасак, сизга хоразмлик Ойимжон исми қизнинг ҳам манзилни бергандик шекилли?

— Бу қиз ҳам учрашувга дугонаси ёки холасини олиб чиқмасин дедим, автобусга ўтириб, тўғри ўзим Хоразмга бордим. Манзилга етгач маҳалла-кўй, кўни-кўшиқлардан суриштирдим. Дадаси кўп ичади, рўзгор билан иши йўқ, лекин қизи яхши дейишгач, у билан учрашдим. Кўнглимдагидек экан. Ўзим каби ҳаётда кўп қийналган, отасидан азият чеккан, тақдиримиз ўхшашлиги боис уйланишга қарор қилдим. Иккала томоннинг ҳам иқтисодини ҳисобга олиб, илҳам ва файзли тўй ўтказдик. Бахтим оилаларда экану, билмай юрган эканман. Ҳозир жудаям бахтлимиз. Раҳмат сизларга!



эрки ҳам ўзида бўлмас экан. Менга ҳам бир тушунган умр йўлдош топилса, рўзгоримга бош бўлса дегандим. Касби-и ўқитувчи. Коллежда иқтисод фанидан дарс бераман. Ўзимга ўхшаган олий маълумотли, тушунган 60 ёшгача бўлган Тошкент шаҳри ёки фарғоналик инсон билан оила қурмоқчиман.

ДИЛАФРЎ ОПА,  
Тошкент шаҳри.

### БАХТИМНИ ОЛИСДАН ТОПДИМ

— Алло, яхшимисиз? Мен Тошкент шаҳридан Диёрбекман.

#### ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.  
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

### Табиат — дорихона

#### ОЛГИНИНГ СИРИ

Олги (ятрышник теневой) асосан Тянь-Шань тоғ тизимига кирувчи тоғлар ён бағрида, унумли қора тупроқда ўсади. Бўйи 60 см. гача бўлади. Ундан қадим замонлардан буён тиббиётда фойдаланиб келинмоқда.

Ўсимликнинг фойдаланиладиган қисми пиёзидир. Пиёз таркибида инсон организми учун зарур бўлган поласахаритлар 68,5 фоизни ташкил этади. Яъни инсон организмидеги иммунитетни кучайтиради.

Бу ўсимлик пиёзининг катта қисмини эркак киши истеъмол қилса, ўғил, кичик қисмини аёл киши истеъмол қилса, оилада қиз фарзанд дунёга келади. Буюқ табиб Ибн Сино амалиётда шол, тутқаноқ, бўғимлардаги огрик, учук, ярани тузатишда ҳамда мусалласга қўшиб ичилса, ич кетишини тўхтатишда фойдали эканлигини исботлаган.

Олги саратон, қандли диабет, жигар, ошқорзон, қон томир касалликларига, қон босимига, бош суяги касаллигига (черепной), простата-аденома, ушбу ўсимликдан тайёрланган эритма қонни суюлтиради ва тозалайди. Уни гепатитни даволашда ҳам қўллаш мумкин.

Тоғли худудларда истиқомат қилувчи аҳоли ушбу гиёҳдан турли хил бўтқалар тайёрлаб, тановул қилади. Олги апрель-май ойларида йиғиб олиниб, пиёзи қайта ишланади.

50 гр. қайнатиб совутилган сувга 1 чой қошиқ массани эритиб наҳорга ичилади. Сув ўрнига қатик, сут ва зардобдан фойдаланилса ҳам бўлади. Зардоб билан тайёрланган қон босими ошганда, қон томирларини тозалашда ва қонни суюлтиришда ҳамда бош огригини даволашда самарали ёрдам беради.

Иззатилла АБДУРАШИДОВ,  
доришunos.

#### Фойдали маслаҳатлар

- Хамир қилиш учун ҳамиша урни элаш лозим. Шунда уннинг орасига ҳаво киради ва хамир яхши кўпқийди.
- Ошхонангиздан қайнатилаётган қарам ҳидини кетказиш учун идишга бир бурда нон ёки бир бўлак қанд солинг.
- Товада қовурилган пиёз, балиқ ва шунга ўхшаш махсулотларнинг ёқимсиз ҳидини чой шамаси билан ювиб кетказишингиз мумкин.
- Пиширган бисквитингиз жудаям куруқ чиққан бўлса, унинг бир неча жойларини тешиб, апельсин, лимон суви, какаодан куйиб чиқинг.
- Тайёрлаётган пишириқларингизни четлари ёки усти қаттиқ бўлиб қолмаслиги учун дуюкка идишча ичига сув солиб қўйинг.
- Ингичка идишларни тозалаш учун уннинг ичига совунли сув ва 1 ош қошиқ гуруч солиб яхшилаб силкитинг.
- Гўшти кийма микробларни энг тез тўплайдиган маҳсулот ҳисобланади. Шу сабабли уни ишла-тиш олди-дангина тайёрлаган маъкул.
- Ошхона сояқларини сода ва тузли аралашмада қайнатиб олсангиз, у тез ва тоза ювилади.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

# ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Оналар ва болалар саломатлигига алоҳида гамхўрлик қилинаётган, фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бизнинг мамлакатимизда ҳам бу борада кўплаб хайрли ва ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси, «Хаёт учун!» кўкрак беи саратони миллий уюшмаси ҳамда «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ҳамкорликда ўтказаятган хайрли тadbирларнинг сони тобора ортмоқда. «Хаёт учун!» кўкрак беи саратони миллий уюшмасининг тури лойиҳа ва акциялари доирасида 2008-2011 йиллар ораллиғида юртимиз бўйлаб 16 000 нафардан зиёд аёл бепул тиббий текширувлардан ўтказилди. 300 дан ортқ аёл умумий ҳисобда 900 миллион 430 минг сўмлик зарур дори-дармон билан таъминланди. 2 нафар оғир бемор Исроил ва Жанубий Кореяда бепул операция ва турли муолажалар ўтказиш учун юборилди.



Дунёни ташвишга солаётган ушбу хасталикни имкон қадар бошланғич босқичларда аниқлаш ва беморларга ёрдам бериш учун «Хаёт учун!» кўкрак беи

саратони миллий уюшмаси юртимизда фаолият юритаётган ташкилотлар ҳамда вазирликлар билан ҳамкорликда аёлларни бепул тиббий текширувдан ўтказиш ишларини изчил равишда йўлга қўйди. Республика Мудофаа вазирлиги билан ўтказилган акцияда Жиззах шаҳри ҳамда Бахмал туманида фаолият юритаётган 410 нафар ҳарбий хизматдаги аёллар, ҳарбий хизматчиларнинг рафиқалари ҳамда вазирликнинг жойлардаги бўлимларида фаолият олиб бораётган аёллар тиббий текширувдан ўтказилди.

Акцияга тайёргарлик ишлари шу йилнинг апрель ойидан бошланган эди. Мудофаа вазирлигининг хотин-қизлар кўмитаси томонидан ҳарбий хизматдаги барча аёллар ва хизматчиларнинг рафиқалари Тошкент шаҳридаги етакчи мутахассислар томонидан бепул текширувдан ўтказилиши ҳақида огоҳлантирилди. Жиззах вилоятидаги ҳарбий қисмининг тиббий-санитар бўлими ҳамда Жиззах шаҳридаги ҳарбий бўлимида маммолог, онкогинеколог, УЗД текширувлари учун махсус жойлар тайёрланди.

232 нафар аёл онкомаммолог, 146 нафар аёл онкогинеколог кўригидан, 153 нафар аёл эса УЗИ текширувларидан ўтди. Тошкент шаҳар онкологик диспансерининг етакчи мутахассислари — онкомаммолог Г. Мирсупова, онкогинеколог В. Яхёева, УЗД шифокори Г. Жамолдиновалар текширув натижаларига уч аёлда кўкрак беи саратони хавфи борлигини, қолган аёлларда бу хасталик аниқланмаганини маълум қилишди.

Миллий уюшма томонидан шу йилнинг май ойида «Хаёт учун» хайрия ма-

рафонининг бош хомийларидан бири «Beeline» компанияси офисида ишлаган 344 нафар аёллар бепул тиббий текширувлардан ўтказилган эди.

Қолган вилоятларда эса жорий йилнинг октябрь-декабрь ойларида бепул тиббий текширувлар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

«Хаёт учун!» кўкрак

## Хаёт учун



беи саратони миллий уюшмаси томонидан ўтказилаётган ҳар бир акция ўз олдида саратон касалликларига кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, кўкрак беи саратонига чалинган аёлларни қўллаб-қувватлашни мақсад қилиб олган. Мамлакатимизда яшаётган аёллар, онахон ва қизларимиз тиббий текширувлардан ўтганини кечиктирмай, ўларнинг саломат эканига ишонч ҳосил қилсалар, бу хасталикнинг олдини олиш йўлида юртимизда олиб борилаётган ишларга ўз ҳиссаларини қўшган бўларди.

Аёл соғлом бўлсагина хонадонда қувончли кунлар кўпаяди. Болаларига, турмуш ўртоғи, қариндош-уруғларига меҳр улашиб, яқинларига елкадош, суяниқ бўлиб яшайди.

Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА,  
журналист.

## ... ҚЎЛ ҲАМ, ЙЎЛ ҲАМ БЕРМАНГ!

Хийбон бўйлаб кетаётсам, ўриндиқда ўтирган лўли хотин мени секин ўзи томон имлади.

— Яқинда азиз инсонингдан айрилибсан-а. Гам чекма, ҳаммаси ўтиб кетади, ҳали яна кўнглингга яқин инсонингни топасан.

У мени гипноз қилдим, ё келажак тақдиримга қизиқдимми, ёнига қандай қилиб бориб қолганимни билмай қолдим. У менга узил-кесил «Ишонмайсан-а? Мана унинг исмини ҳозир айтаман санга», деб қўлидаги картасини чийлай бошлади. Осмондан тушдим, ердан чиқдим, билмайман, мени бирпасда лўлилар тўдаси ўраб олди. Ички бир овоз бу ердан кетишимни, акс ҳолда нимадир рўй беришидан огоҳлантиргандай бўларди. Шу пайт дугонам исминини айтиб чақирганидан сўнггина эҳушимни йиғиб олдим ва жағи-жағига тегмай бидирлаётган лўлига «Ҳозир келаман» дедим-у, минг сўмни қўлига тутқазганча қочиб қолдим. Чунки уларнинг кармоғига илинган соддафелъ одамнинг осонликча қутулмаслигини билардим-да. Дугонам бўлса «Келиб-келиб шуларга ишонсанми, бор пулингни шилиб олади-ку?», деб қойиб берди...

Инсоннинг табиати, фелъ-атвори қизиқ-да. Кимнингдир бошига бирор ташвиш, кулфат тушиб қолса ёки бирон қимматбаҳороқ матоҳини йўқотиб қўйса, (аксарият ҳолларда аёллар!) дарров

башоратчи ёки фолбинлар ҳузурига чопади. Улар ҳам анойилардан эмас, ўларнинг ўпқонга айланган нафсларини ўйлаб, ҳалиги бечоранинг бор-будини совиришга уринади.

Рухшуносларнинг таъкидлашича, фолбинлар биринчи навбатда инсон руҳига таъсир ўтказар экан. Уларда кузатувчанлик ниятда кучли, синчковлик



билан ўзига оғдириб, ишонтириб олишга устаси фаранг. Улар ҳар қандай одамни «Сиз ўзи ишонувчан, меҳрибон киши экансиз, шунинг учун ҳам алдашадми» деган қолипдаги гап-сўзлари билан лақиллатади. Муқаддас Ҳадиси шарифларда шундай келтирилади: «Имом Аҳмад Абу Ҳурайрадан (р.а) ривоят қилинган саҳих ҳадисда: «Кимда-ким

## Таассуф

башоратчи ёки фолбиннинг олдида бориб, унинг гапини тингласа, Муҳаммадга нозил қилинган нарсаларга қоғир бўлибди», дейилади. Кўча-кўйда, бозорларда «Бахт йўлларимизни кўриб берувчилар», «Умр йўлларимизни очишга қодирлар», «Ичимизни аллақандай жодулардан халос қилувчилар»га ишонилган олдин бир кур ўйлаб кўрайлик. Ойша онамиздан (р.а) ривоят қилинишича, одамлар Расулуллоҳдан (С.А.В) фолбинлар ҳақида сўрашади. У зот «Фолбинлар ҳақ эмаслар», дейдилар. Шунда одамлар айна сизу бизни қизиқтирган саволни беришади «Ё Расулуллоҳ, аҳён-аҳёнда уларнинг гаплари тўғри чиқади-ку?» Пайғамбаримиз (с.а.в) бунга жавобан «Жин бир ҳақ гапни эшитиб, ўғирлаб олади-да, уни ўзининг «одами» қулогига қуяди. Улар эса унга юздан ортқ ёлгонни аралаштириб юборишади», деганлар. (Бухорий, Муслим ривоят)

Келажакни фақатгина Оллоҳ билади. Шунинг учун инсонлар тақдирини башорат қилиб, ҳам ҳушингизни, ҳам пулингизни ўғирлаб, умр йўлингиздан башоратлар айтувчиларга қўлингизни ҳам, тақдир раво кўрган тўғри йўлингизни ҳам берманг.

Дилдора ШАРАФУДИНОВА



## «NBU CUP – 2012» ЯКУНЛАНДИ

Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимида жой олган ушбу мусобақада дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан ёш теннисчилар голиблик учун ўзаро беллашди.

Ўсмирлар ўртасида иккинчи рақамда сараланган жуфтлик — Санжар Файзиев ва Абдуворис Саидмуҳамедов саралаш учрашуварларида россиялик Михаил Коровин ва Иля Кошелевни, испаниялик Эктор Гарсия Оливеда ва канадалик Давид Волфсонни, ўзбекистонлик Михаил Есипов ва Сардор Раҳимовни мағлубиятга учратиб, финалда исроиллик Эдан Лешем ва Ноам Мазор дуэтидан 6:2, 1:6, 10:6 ҳисобида устун келиб, бош совринни қўлга киритди.

Қизлар ўртасидаги жуфтлик баҳсларида ҳамюртимиз Нателла Набиева ҳамда россиялик Даря Лодикова муваффақият қозонди. Биринчи рақамда сараланган мазкур дуэт финалда ўзбекистонлик Амина Муҳамметшина ва россиялик Анастасия Евродандан 7:5, 6:3 ҳисобида устун келди.

Яккаликлар ўртасида россиялик Сабина Шайдуллинага тенг келадигани топилмади.

## КЛИЧКОНИ ЕНГИШ МУШКУЛМИ?

Боксинг WBA, WBO ва IBF йўналишлари бўйича ўта оғир вазиядаги жаҳон чемпиони Владимир Кличко IBF йўналиши бўйича чемпионлик жангида америкалик Тони Томпсонни мағлубиятга учратди.



«Мен рақибга эҳтиёткорлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлдим. Кличко эса ўз қучига ишонган ҳолда ҳаракатланди. Шунинг учун уни поездга ўхшатдим. Поездни эса тўхташ жуда ҳам мушкул», дея интервью берган Томпсон Boxing.com сайтига.

## МАНЧИНИ КЕЛМАДИ

Россия футбол Иттифоқи Манчини билан шартномани бекор қилди «Манчестер Сити» клуби бош мураббийи Роберто Манчини душанба кунги «шаҳарликлар» билан 5 йилга янги шартнома имзолади. Бу эса, ўз ўзидан Россия термаси билан ишламаслигини аниқлади.

Шуларни инобатга олиб, Россия футбол Иттифоқи Манчини билан олдин келишиб олинган шартномасини бекор қилди.

Интернет манбалари асосида  
Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оналарни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамгармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамгармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга толшириш вақти — 15:00. Босишга толширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Нилуфар САПАЕВА  
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОҶОНОВ  
Мусаҳҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Гулноза БОБОЕВА

МАНСИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси  
1-тер кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга  
олинган. Буюртма Г — 728. Формати А-3,  
ҳажми 2 табоқ. Адади — 6902. Баҳоси кели-  
шилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (телфакс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Ойла» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5